# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 26 декабрь, № 269 (8892) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.**



Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Учрашувда 2024 йилдаги биргаликда олиб борилган ишларнинг асосий якунлари сарҳисоб қилинди ва кўп томонлама ҳамкорликнинг келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифалари кўриб чиқилди.

Минтақа ичида савдо ва кооперацияни, энг аввало, ўзаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш орқали кенгайтириш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Кўп қиррали шерикликни янги йўналишларда ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Муҳандислик мактабларини ташкил этиш, интернет технологиялари, катта маълумотлар индустрияси, креатив иқтисодиёт, «яшил» энергетика ва тинч атом соҳасини ривожлантириш, рақамли ечимларни жорий этиш шулар жумласидан.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ҳамда умумий таҳдид ва хатарларга қарши курашда МДҲ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 15 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 19 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишга, шунингдек солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мавжуд преференцияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, шунингдек вақтинчалик солиқ имтиёзлари қўлланиладиган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча манбалардан даромад олувчи бюджет ташкилотлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг амал қилишини 2027 йилнинг 1 январигача узайтириш, шунингдек жами даромаднинг чегаравий миқдорини 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга ошириш, ушбу даромад мавжуд бўлганда солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлашини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бериладиган бюджет субсидиялари жами даромад таркибига киритилмаслигини белгиловчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 3 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 декабрда маъқулланган

Солиқ юкини изчил равишда пасайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, шунингдек солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидир.

Шу билан бирга бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида келиб тушган таклифлар ва ташаббусларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг битимларига мувофиқлаштириш, шунингдек энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш ҳисобидан ҳудудларда энергия танқислигини бартараф этишга доир ишларни бундан буён ҳам амалга ошириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини реализация қилиш бўйича айланманинг қўшилган қиймат солиғидан озод этилишини, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича ер солиғини икки баравар миқдорида ҳисоблаш тартиби бекор қилинишини, якка тартибдаги тадбиркор ходимлари томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммаси камайтирилишини, шунингдек солиқ тўловчилар божхона чегарасини кесиб ўтганлигини тасдиқловчи белги қўйилган товарнинг кузатув ҳужжатларини солиқ органларига тақдим этиш мажбуриятидан озод этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

Миллий комиссия мажлиси

## АМАЛИЙ ИШ ВА НАТИЖАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

*“Хавф-хатардан кейин муаммо билан беҳуда курашгандан кўра унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим”, “Топшириқ кутиб ўтириш керак эмас”, “Айрим ташкилотлар бор-йўғи “почтальон” вазифасини бажариб қоляпти...”*

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги мажлиси шу каби кескин танқид ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Унда миллий ва ҳудудий комиссия аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда республикамизда одам савдоси ва муносиб меҳнат масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар, халқаро ҳамкорлик доирасида эришилган натижалар ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида соҳага оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, халқаро нормаларни амалиётга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

➡4

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Аҳоли манфаатлари кафолати ва мустаҳкам ҳуқуқий асос

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қуйи палата Спикери Н. Исмоилов юртимизда Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб келинаётганини, шу йил 20 декабрь куни мамлакатимиз раҳбари жорий йилда иккинчи маротаба фаол тадбиркорлар билан учрашгани ва бу уларни янада руҳлантирганини қайд этди.*

Давлатимиз раҳбари томонидан қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид ташаббуслар илгари сурилгани, ўз навбатида, қуйи палатадаги қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ўз фаолиятида ушбу йўналишда устувор вазифаларни белгилаб олгани таъкидланди.

Мажлисда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, заргарлик саноатини янада ривожлантириш, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳуқуқларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, фахрий унвон таъсис этиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини янада таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

### «Яширин иқтисодиёт»га қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилади

Мажлисда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлиги ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштириш, республика молия тизими барқарорлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини таъминлаш, иқтисодий жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холис тергов қилиш соҳасида қўшимча вазифалар юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг вазифалари ва ваколатларини амалдаги қонун ҳужжатларида акс эттириш заруратини юзага келтирмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилган депутат Шерзод Тўхташев давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига кўра ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Бюджет кодексларига Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг иқтисодий жиноятларни тергов қилиш, давлат молиявий назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганини таъкидлади.

➡4

Олий Мажлис Сенатида

## ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ижросини самарали ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар кўриб чиқилди.*

Тадбирда Сенат аъзолари, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари аъзолари, экспертлар, вилоят ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ташкилотлари раҳбарлари, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаси масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий база ҳамда тизим шакллантирилиб, давлат хизматлари кўрсатишни рақамлаштириш орқали инсон омили минимал даражага камайтирилди. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ижобий ютуқларга эришилди.

Жорий йилда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши коррупциявий омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизмларини белгилаб берди.

➡4



## МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳамда етакчи тадбиркорлар билан мулоқотдан:**

- туризм соҳасида катта ишлар қилинди. Тадбиркорларнинг **6,5 триллион** сўм сармояси билан **24 минг** ўринли меҳмонхоналар ишга тушди;
- келгуси йилда меҳмон ўринлари яна **30 минг**га ошади. Тадбиркорлар **10 триллион сўм** инвестиция киритишга тайёр;
- 2024 йил ишга тушган **17 та** йирик савдо ва туристик масканга қўшимча яна **25 та** шундай мажмуа қўшилади;
- Бўстонлиқда **10 миллиард** долларлик “Sea Breeze” номли йирик марказ қурилишини бошлашга келишиб олинди;
- мамлакатимизга дунёнинг нуфузли “Swissotel”, “Sheraton”, “Ritz-Carlton”, “Novotel”, “Pullman”, “Marriott”, “Ibis”, “Mercure” каби **23 та** меҳмонхона брендлари кириб келяпти.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларга нисбатан фойда солиғи бўйича вақтинчалик солиқ имтиёзлари берилмоқда. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича протез мосламалари ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган вагонлар (контейнерлар) операторларининг темир йўл транспортида ташиш жараёнида вагонларни (контейнерларни) ижара шартлари асосида фойдаланишга бериш бўйича хизматлар кўрсатиш айланмаси қўшилган қиймат солиғини тўлашдан вақтинчалик озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонун таълим тизимини такомиллаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишга, шунингдек солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **337-модданинг олтинчи қисмидаги** «2024» рақами «2027» рақами билан алмаштирилсин;

2) **340-модданинг саккизинчи қисмидаги** «беш миллиард» деган сўзлар «ўн миллиард» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **369-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «пул мукофоти ва совғалар» деган сўзлар «пул мукофоти, совғалар ва бюджет субсидиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **483-модда**:

**ўттиз саккизинчи қисмидаги** «2024» рақами «2027» рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **эллик иккинчи – эллик бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«2025 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда икки йил давомида тенг улушларда тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларини мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга ҳақли.

Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул асосда ўқишга қабул қилиш бўйича лицензия талаблари бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг эллик иккинчи қисмида назарда тутилган амортизация чегирмалари ушбу Кодекснинг 306-моддасида назарда тутилган амортизация нормаларини қўллаш ҳисобидан бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича протез мосламаларини ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғини тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган вагонлар (контейнерлар) операторларининг темир йўл транспортида ташиш жараёнида вагонларни (контейнерларни) ижара шартномаси асосида фойдаланишга бериш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 ноябрдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 1, 2-бандларининг ҳамда 4-банди иккинчи хатбошисининг қоидалари 2024 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 4-банди олтинчи хатбошисининг қоидалари 2024 йил 1 апрелдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 4-банди еттинчи хатбошисининг қоидалари 2024 йил 1 ноябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 24 декабрь
№ ЎРҚ—1013

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонун билан мобиль алоқа хизматларининг акциз солиғини солишдан озод этилиши, ноширлик-матбаа фаолияти, ахборот технологиялари, таълим муассасаларининг ўқувчиларини тадбиркорларга ишга жойлаштириш, ёшларни автомобиль йўлларидаги кўчма савдо объектлари орқали товарларни реализация қилишга жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан кам таъминланган оила аъзоларини ишга қабул қилиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш соҳасида вақтинчалик солиқ имтиёзлари жорий этилиши, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари ҳамда акциз тўланадиган бошқа товарлар учун солиқ ставкалари, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ставкалари ўзгартирилмоқда. Шунингдек товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган даромадларни қўллаб-қувватлаш учун бериладиган фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ имтиёзлари бекор қилинмоқда, айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган ставкалари, солиқ ставкаси бўйича солиқни қатъий белгиланган суммада тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги нормалар бекор қилинмоқда.

Шунингдек мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига бюджет тизими бюджетлари даромадларининг камайишини, солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини ёки бекор қилинишини, шунингдек солиқ бўлмаган тушумлардан бюджет тизими бюджетларига ажратмаларнинг камайишини ёки кўпайишини назарда тутувчи қонунчилик нормалари кейинги молия йилининг 1 январидан эътиборан амалга киритилиши тўғрисидаги қоидани белгиловчи ўзгартириш киритилмоқда.

Бундан ташқари мазкур Қонун билан «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида солиқ имтиёзлари белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун 2025 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини тайёрлашда назарда тутилган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тайёрлашда назарда тутилган зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилишига, қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг жорий этилишига ҳамда кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларининг қурилиши рағбатлантирилишини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда) **1-боби** қуйидаги мазмундаги **$5^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$5^1$-модда. Бюджет даромадларининг камайишини, солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини ёки бекор қилинишини, шунингдек солиқ бўлмаган тушумлардан бюджетга ажратмаларнинг камайишини ёки кўпайишини назарда тутувчи нормаларни амалга киритиш тартиби**

Молия йили мобайнида бюджет тизими бюджетлари даромадларининг камайишини, солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини ёки бекор қилинишини, шунингдек солиқ бўлмаган тушумлардан бюджет тизими бюджетларига ажратмаларнинг камайишини ёки кўпайишини назарда тутувчи қонунчилик нормалари кейинги молия йилининг 1 январидан эътиборан амалга киритилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда қабул қилинган **«Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–539-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 264-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2024 йил, № 2, 106-модда) **14-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги солиқ имтиёзлари солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **133-модданинг ўн учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона органлари солиқ органларига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

импорт операциялари тўғрисидаги ахборотни, товарлар божхона чегарасини кесиб ўтганидан кейин экспорт операциялари бўйича ахборотни, шунингдек товарларни олиб ўтиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали электрон тижорат шаклида амалга оширилган товарларни олиб ўтиш ҳақидаги ахборотни реал вақт режимида;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона омборларида товарлар сақланаётганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда»;

2) **243-модданинг биринчи қисми**:

**15-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **$26^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«$26^1$) давлат мол-мулкини, шу жумладан мулк ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини»;

3) **256-модда**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг қоидалари ушбу Кодекс 243-моддаси биринчи қисмининг $26^1$-бандида назарда тутилган товарларни реализация қилишда қўлланилмайди»;

**олтинчи қисми еттинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **261-модда**:

**биринчи қисмининг 2** ва **3-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун асос бўлган божхона юк декларацияси;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар ортилган транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарнинг кузатув ҳужжатлари»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона органлари томонидан реал вақт режимида электрон ахборот алмашинуви воситасида солиқ органларига ушбу Кодекснинг 133-моддасига мувофиқ товарлар божхона чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисида тақдим этилган маълумотлар товарлар экспорт қилинганлигини тасдиқлаш учун асос бўлади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **266-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда, солиқ тўловчи махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган солиқ суммасини, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этилган тақдирда, ҳисобга олиш ҳуқуқига эга»;

6) **269-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ушбу Кодекс 267-моддаси биринчи қисмининг 1 – 4-бандларига мувофиқ илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган солиқ суммаси келгусида улардан солиқ солинадиган айланма учун фойдаланилган ҳолларда тузатилади (ҳисобга олинади)»;

7) **283-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари ҳам солиқ тўловчилар деб эътироф этилади»;

8) **284-модда биринчи қисмининг 8-банди** чиқариб ташлансин;

9) **285-модданинг биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ базаси белгиланган солиқ ставкаларига қараб акциз тўланадиган товарларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан солиқ ставкалари мутлақ (қатъий) суммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади»;

10) **286-модданинг**:

**номидаги** «**(хизматларга)**» деган сўз чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмидаги** «(хизматларга)» деган сўз чиқариб ташлансин;

11) **$289^1$-модданинг биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Тамаки маҳсулотлари турлари | Солиқ ставкалари | |
|---|---|---|---|
| | | импорт қилинганда | ишлаб чиқариладиган |
| 1. | Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек | 2025 йил 1 январдан: 330 000 сўм/ 1 000 дона | 2025 йил 1 январдан: 300 000 сўм/ 1 000 дона |
| | | 2025 йил 1 июлдан: 340 000 сўм/1 000 дона | |
| 2. | Сигара | 20 000 сўм/1 дона | |
| 3. | Чилим учун тамаки | 600 000 сўм/кг* | |
| 4. | Чекиладиган, ўрама тамаки | 600 000 сўм/кг | |
| 5. | Чайналадиган, ҳидланадиган ва шимиладиган тамаки | 382 000 сўм/кг | |
| 6. | Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки мавжуд бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар | 450 000 сўм/кг | |
| 7. | Никотинли тамакисиз снюс | 154 000 сўм/кг | |
| 8. | Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картрижларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)** | 2 000 сўм/мл | |

* Белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ чилим учун тамакисиз аралашмани олиб киришда ҳам тўланади.

** Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликни (никотинни) уни истеъмол қилиш (электрон ва бошқалар) тизимларида олиб киришда солиқ таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси натурада ифодаланган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3 – 6-бандларида солиқ ставкаси тамаки маҳсулотидаги тамаки хом ашёси массасига нисбатан тамаки хом ашёси массаси тўғрисидаги ахборотни истеъмол қадоғида (идишида) кўрсатиш шарти билан қўлланилади. Агар чилим учун тамаки бўйича тамаки хом ашёси массаси нетто оғирлигининг 20 фоизидан камни ташкил этса, у ҳолда акциз солиғи нетто (бирламчи қадоқни ҳисобга олган ҳолда) оғирлигининг 20 фоизидан ҳисоблаб чиқарилади. Истеъмол қадоғида (идишида) тамаки хом ашёсининг оғирлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси нетто (бирламчи қадоқни ҳисобга олган ҳолда) оғирлигига нисбатан қўлланилади»;

12) **$289^2$-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алкоголь маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Алкоголь маҳсулотлари турлари | Солиқ ставкалари (1 литр учун) | |
|---|---|---|---|
| | | импорт қилинганда | ишлаб чиқариладиган |
| 1. | Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси, шунингдек дон дистилляти (бундан техник спиртни олиш учун сарфланган этил спиртининг бошланғич фракцияси мустасно) | 15 000 сўм | |
| 2. | Арок, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари (акциз тўланадиган товар таркибидаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун, бундан 3 ва 4-бандлар мустасно) | 76 000 сўм | 44 000 сўм |
| 3. | Вино: | | |
| | табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда) | 14 000 сўм | 5 000 сўм |
| | бошқа винолар, шу жумладан вермут | 20 000 сўм | 6 000 сўм |
| 4. | Пиво | 6 000 сўм | 2 000 сўм |

»;

13) **$289^3$-модданинг**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарларга нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Товарлар номи | Солиқ ставкалари | |
|---|---|---|---|
| | | 2025 йил 1 январдан | 2025 йил 1 апрелдан |
| 1. | Нефть маҳсулотлари: | | |
| | АИ-80 ва ундан юқори бензин | 340 000 сўм/тонна | 375 000 сўм/тонна |
| | АИ-91 ва ундан юқори бензин | 303 000 сўм/тонна | 335 000 сўм/тонна |
| | авиакеросин (синтетикдан ташқари) | 271 000 сўм/тонна | 300 000 сўм/тонна |
| | дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари) | 326 000 сўм/тонна | 360 000 сўм/тонна |
| | ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари) | 293 000 сўм/тонна | 325 000 сўм/тонна |
| | дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи | 461 000 сўм/тонна | 510 000 сўм/тонна |
| 2. | Полиэтилен гранулалар | 10% | |
| 3. | Табиий газ | 12% | |
| 4. | Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган: | | |
| | АИ-80 ва ундан юқори бензин | 1 литр учун 476 сўм/ 1 тонна учун 633 000 сўм | 1 литр учун 525 сўм/ 1 тонна учун 700 000 сўм |
| | АИ-91 ва ундан юқори бензин | 1 литр учун 425 сўм/ 1 тонна учун 565 000 сўм | 1 литр учун 470 сўм/ 1 тонна учун 621 000 сўм |
| | дизель ёқилғиси | 1 литр учун 476 сўм/ 1 тонна учун 578 000 сўм | 1 литр учун 525 сўм/ 1 тонна учун 635 000 сўм |
| | суюлтирилган газ | 1 литр учун 476 сўм/ 1 тонна учун 904 000 сўм | 1 литр учун 525 сўм/ 1 тонна учун 1 000 000 сўм |
| | сиқилган газ | 1 куб метр учун 678 сўм | 1 куб метр учун 750 сўм |
| 5. | Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар | 20% | |
| 6. | Таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлган ва истеъмол қадоғига қадоқланган ичимликлар* (бундан энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар мустасно): | | |
| | газланган | 1 литр учун 500 сўм | |
| | газланмаган | - | 1 литр учун 500 сўм |
| | Энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар | 1 литр учун 2 000 сўм | |

* Мевалар ва (ёки) сабзавотлардан тайёрланган, табиий ширин бўлган ҳамда таркибида қўшимча шакар ва бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлмаган шарбатларга нисбатан солиқ қўлланилмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акциз тўланадиган товарлар, шу жумладан импорт қилинган акциз тўланадиган товарлар учун белгиланган ва мазкур товарларни олиб киришда қўлланилмайди»;

**тўртинчи қисмидаги** «6» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;

14) **299-модда тўртинчи қисми иккинчи жумласининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарз олувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шарти билан берилган қарзларга (қайтариш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади»;

15) **337-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**6-банди** чиқариб ташлансин;

**8-бандидаги** «7,5» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **$10^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«

| | | |
|---|---|---|
| $10^1$. | Умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда умумий тармоққа электр энергиясини реализация қилишдан олинган фойда | 0 |

»;

**бешинчи қисмидаги** «7,5» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

**саккизинчи – ўн бешинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи – ўн иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Қуйидагилар ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида белгиланган солиқ ставкасини 50 фоизга пасайтиришга ҳақли:

2022 йил 1 сентябрдан кейин илк маротаба солиқ тўлашга ўтган айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар – солиқ тўловчи солиқ тўлашга ўтган йилдан кейинги бир солиқ даври мобайнида, башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ даврида солиқ тўловчининг жами даромади ўн миллиард сўмдан ошмаса;

2022 йил 1 сентябрдан кейин жами даромади жорий солиқ даври мобайнида илк марта ўн миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар – жорий солиқ даври ва кейинги солиқ даври мобайнида, башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ даврларида жами даромади юз миллиард сўмдан ошмаса.

Бунда ушбу модда саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқ базасини жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида соддалаштирилган тартибда аниқлашга ҳақли.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган пасайтирилган солиқ ставкаси ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ва акциз солиғини тўловчиларга нисбатан, шунингдек солиқ тўловчи тугатилган ҳолларда ва (ёки) берилган пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш учун икки ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти ўртасида солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларини ажратиш (бўлиш) фактлари аниқланган тақдирда, татбиқ этилмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг $10^1$-бандида назарда тутилган 0 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан уч йил мобайнида, қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими билан қуёш панеллари ўрнатилганда эса – ушбу панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил мобайнида қўлланилади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасида фаолиятни амалга ошираётган айрим солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан оширилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин»;

16) **343-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентига тўланадиган дивидендларга ушбу Кодекснинг 345-моддасида назарда тутилган тартибда тўлов манбаида солиқ солинади ва бундай даромадларни олувчи томонидан солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади»;

17) **383-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқни қатъий белгиланган миқдорларда тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Фаолият тури | Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Тошкент шаҳри | Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар | бошқа шаҳарлар | бошқа аҳоли пунктлари |
| 1. | Чакана савдо: | | | | |
| | озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан | 700 000 – 1 000 000 | 265 000 – 800 000 | | |
| | деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан | 230 000 – 330 000 | 65 000 – 200 000 | | |
| | газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан | 230 000 – 330 000 | 65 000 – 200 000 | | |
| 2. | Маиший хизматлар | 230 000 – 330 000 | 65 000 – 200 000 | | |
| 3. | Бошқа фаолият турлари | 230 000 – 330 000 | 65 000 – 200 000 | | |
| 4. | Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари: | | | | |
| | 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 200 000 | | | |
| | 3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 300 000 | | | |

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорини туманлар ҳамда шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, ушбу моддада ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг энг кам ва энг юқори ставкалари доирасида белгилайди»;

18) **385-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромади календарь йилда юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар улар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ушбу Кодекс 383-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ставкаларнинг 50 фоизига тенг миқдордаги солиқни солиқ агенти сифатида ҳисоблаб чиқаришга ва тўлов манбаида ушлаб қолишга ҳақли»;

19) **408-модда**:

**биринчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «(бундан ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган жисмоний шахслар мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «1 декабригача» деган сўзлар «31 декабригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **412-модда биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳрида – уч миллион уч юз минг сўм;

Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – икки миллион икки юз минг сўм;

бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – бир миллион уч юз минг сўм»;

21) **414-модда**:

**учинчи қисмининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) умумий қуввати қуйидагича бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари:

100 кВтгача бўлган – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан уч йил муддатга, қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими билан қуёш панеллари ўрнатилганда эса – ушбу панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга;

100 кВт ва ундан ортиқ бўлган – улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари бўйича (бундан республика шаҳарларида, шунингдек Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманларида жойлашган бинолар мустасно) солиқ тўловчилар ҳисобланган солиқ суммасини уч қаватли бинога нисбатан – 0,9, тўрт қаватли бинога – 0,8, беш қаватли бинога – 0,7, олти қаватли бинога – 0,6, етти ва ундан юқори қаватли бинога – 0,5 пасайтирувчи коэффициент қўлланилган ҳолда, ушбу бинолар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан уч йилдан кўп бўлмаган муддатда тўлайди. Бунда ушбу қисмда белгиланган пасайтирувчи коэффициент:

маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи хоналарни, хусусан, офис учун ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни реализация қилиш учун хоналарни, тегишли касбни эгаллаш учун ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш хоналарини ҳисобга олган ҳолда, агар уларнинг майдони янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш биноси умумий майдонининг 20 фоизидан ошмаса;

агар бинодан бир нечта хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш мақсадларида биргаликда фойдаланаётган бўлса, бинонинг ҳар бир мулкдори томонидан қўлланилади»;

22) **415-модда учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «0,6» рақами «0,65» рақами билан алмаштирилсин;

23) **421-модда**:

**биринчи қисмининг 4-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларида умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар учун солиқ суммаси қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил давомида, қуёш панеллари қувватидан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими мавжуд бўлган қуёш панеллари ўрнатилганда эса мазкур панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан ошмайдиган суммага камайтирилади. Ушбу имтиёз энергия таъминоти ташкилоти томонидан жисмоний шахснинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши тўғрисида берилган маълумотномага асосан уй-жой фондининг битта кўчмас мулк объектига нисбатан фақат бир маротаба тақдим этилади ва жисмоний шахс томонидан умумий қуввати 1 кВтдан ортиқ бўлган қайта тикланувчи энергия қурилмалари ўрнатилган тақдирда қўлланилади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисмидаги** «ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган» деган сўзлар «ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **422-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Солиқ солиш объектлари | Солиқ ставкалари, фоизларда |
|---|---|---|
| 1. | Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м гача бўлганларини қўшиб ҳисоблаганда), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар | 0,34 |
| 2. | Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони: | |
| | 200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлган | 0,45 |
| | 500 кв.м дан ортиқ бўлган | 0,6 |
| 3. | Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари | 0,45 |
| 4. | Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари | 1,5 |

»;

25) **428-модданинг**:

**биринчи қисми** чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**биринчи қисми**:

**ўн биринчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи, ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати қуйидагича бўлган алоҳида турувчи қурилмалари билан банд бўлган ер участкалари:

100 кВтгача – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан уч йил муддатга, қуёш панеллари қувватидан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими мавжуд бўлган қуёш панеллари ўрнатилганда эса – ушбу панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга;

100 кВт ва ундан кўпроқ – улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга»;

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ер участкалари (дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар) учун беш йил муддатга 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўланади. Бунда ваколатли орган томонидан боғлар ва токзорларни иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва ҳосилдорлиги паст деб топиш тўғрисидаги хулоса берилган кундан эътиборан ўн икки ой ичида янги боғлар ва токзорлар барпо этилмаган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаси уч баравар миқдорда оширилган ҳолда белгиланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган солиқ имтиёзи муддатини ҳисоблаш кузда янги ўтқазилган кўчатлар учун кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан, баҳорда янги ўтқазилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади.

Ушбу моддада белгиланган солиқ имтиёзлари бевосита мўлжалланилган мақсадда фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

26) **429-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Республика ҳудудлари | 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда) |
|---|---|
| Тошкент шаҳри: | |
| 1 зона | 298,1 |
| 2 зона | 237,6 |
| 3 зона | 183,7 |
| 4 зона | 122,1 |
| 5 зона | 61,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 38,5 |
| Андижон вилояти | 48,4 |
| Бухоро вилояти | 39,6 |
| Жиззах вилояти | 39,6 |
| Қашқадарё вилояти | 39,6 |
| Навоий вилояти | 39,6 |
| Наманган вилояти | 48,4 |
| Самарқанд вилояти | 48,4 |
| Сурхондарё вилояти | 35,2 |
| Сирдарё вилояти | 29,7 |
| Тошкент вилояти | 40,7 |
| Фарғона вилояти | 40,7 |
| Хоразм вилояти | 39,6 |

»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек ипак қурти етиштиришда фойдаланиладиган бинолар ва иншоотлар жойлашган ерлар (бундан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланилаётган ер участкаларида жойлашган ва имтиёзлар татбиқ этиладиган объектлар мустасно) учун солиқ халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 0,2 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади»;

**бешинчи – ўн олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи – ўн еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**еттинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар эгаллаган ер участкалари учун солиқ ставкасига 0,45 коэффициент қўлланилади»;

**саккизинчи қисмидаги** «бешинчи ва олтинчи» деган сўзлар «олтинчи ва еттинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисмидаги** «олтинчи» деган сўз «еттинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўн иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**ўн учинчи – ўн еттинчи қисмлари** тегишинча **ўн иккинчи – ўн олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

27) **436-модда**:

**биринчи қисмининг 7-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларида умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар учун солиқ суммаси қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил давомида, қуёш панеллари қувватидан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими мавжуд бўлган қуёш панеллари ўрнатилганда эса мазкур панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ошмайдиган суммага камайтирилади. Ушбу имтиёз энергия таъминоти ташкилоти томонидан жисмоний шахснинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши тўғрисида берилган маълумотномага асосан уй-жой фондининг кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган битта ер участкасига нисбатан фақат бир маротаба тақдим этилади ва жисмоний шахс томонидан умумий қуввати 1 кВтдан ортиқ бўлган қайта тикланувчи энергия қурилмалари ўрнатилган тақдирда қўлланилади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган» деган сўзлар «ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **437-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун, шунингдек жисмоний шахсларга берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно):

| Республика ҳудудлари | 1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда) |
|---|---|
| Тошкент шаҳри: | |
| 1 зона | 1 735 |
| 2 зона | 1 471 |
| 3 зона | 1 206 |
| 4 зона | 948 |
| 5 зона | 678 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 352 |
| Андижон вилояти | 433 |
| Бухоро вилояти | 352 |
| Жиззах вилояти | 352 |
| Қашқадарё вилояти | 352 |
| Навоий вилояти | 352 |
| Наманган вилояти | 433 |
| Самарқанд вилояти | 433 |
| Сурхондарё вилояти | 330 |
| Сирдарё вилояти | 278 |
| Тошкент вилояти | 366 |
| Фарғона вилояти | 366 |
| Хоразм вилояти | 352 |

»;

29) **445-модданинг**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган лимит доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

| Т/р | Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектлари | 1 куб метр учун солиқ ставкаси (сўмда): ер усти сув ресурслари манбалари | 1 куб метр учун солиқ ставкаси (сўмда): ер ости сув ресурслари манбалари |
|---|---|---|---|
| 1. | Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2-бандда кўрсатилганлар мустасно), шу жумладан саноат корхоналари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларига эга бўлган жисмоний шахслар | 700 | 850 |
| 2. | Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари | 110 | 135 |
| 3. | Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган жисмоний шахслар | 100 | 100 |
| 4. | Автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми | 15 000 | 15 000 |
| 5. | Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми | 38 000 | 38 000 |

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган солиқ ставкасига нисбатан:

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда – 0,5 камайтирувчи коэффициент қўлланилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ёки суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда – 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланилади;

балиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда – 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда – 1,1 оширувчи коэффициент қўлланилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари солиқ ставкасига 0,7 гача камайтирувчи ёки 1,5 гача оширувчи коэффициентларни белгилашга ҳақли (бундан ушбу модда биринчи қисмининг 2 ва 3-бандлари, шунингдек рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган йирик солиқ тўловчилар мустасно)»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

30) **452-модда**:

**биринчи қисми**:

**7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7. | Кон-кимё хом ашёси | Минерал пигментлар | 5,5 |
| | | Йод | 4,8 |
| | | Минерал тузлар (тош туз (овқатга ишлатиладигани), калий тузи, сульфат тузи), карбонат хом ашёси (оҳактошлар, доломитлар), минерал ўғитлар (глауконит, фосфоритлар ва бошқалар) ҳамда бошқа кон-кимё хом ашёси | 3,5, бироқ 6 160 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |

»;

**9-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9. | Норуда қурилиш материаллари | Цемент хом ашёси, бундан цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактош мустасно | 5 |
| | | Цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактош | 6 600 сўм/тонна* |
| | | Арраланадиган харсангтош, харсангтош, оҳактош-чиғаноқ, оҳактош (цемент ва оҳак ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактошдан ташқари), доломитлар, қурилишда ишлатиладиган майда тошлар, базальт, гранодиоритлар, граносиенитлар, сиенитлар, порфиритлар, диабаз-порфиритлар, габбро, сланец жинслари, карбонат хом ашёси, травертин | 5, бироқ 6 160 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |
| | | Табиий безактошдан блоклар | 5, бироқ 10 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |
| | | Мармар | 5, бироқ 20 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |
| | | Гранитлар | 5, бироқ 30 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |
| | | Гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч | 5, бироқ 15 950 сўм/тонна дан кам бўлмаган |
| | | Ғишт-черепица хом ашёси, лёсслар ва лёссимон жинслар | 5, бироқ 4 620 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |
| | | Қурилиш қуми, қумтошлар, қум-шағал аралашмаси** | 5 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган |
| | | Оҳак ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактош, фарфор хом ашёси, керамзит хом ашёси, мергел, аргиллитлар, вулқон жинслари, пелитли туффитлар, минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт, диабаз, глиеж, андезибазальт, темир таркибли қўшимчалар, магнетит-гематитли жинслар ва бошқа норуда қурилиш материаллари ҳамда кенг тарқалган фойдали қазилмалар | 5 |

»;

**изоҳи** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«** Фойда солиғини ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш мақсадида қум-шағал аралашмасини карьерда реализация қилиш баҳоси 1 куб метр учун 20 минг сўмдан кам бўлиши мумкин эмас»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари норуда қурилиш материаллари учун (цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактошдан ташқари) қатъий белгиланган солиқ ставкаларига 1,3 бараваргача оширувчи коэффициент белгилашга ҳақли»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «ушбу модданинг учинчи қисмида» деган сўзлар «ушбу модданинг тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) **464-модда биринчи қисмининг 6-банди** чиқариб ташлансин;

32) **467-модда**:

**биринчи қисмининг 5-бандидаги** «2» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг**:

**1-бандидаги** «25» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

**2-бандидаги** «34» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларининг қоидалари 2026 йил 1 январдан эътиборан ўз кучини йўқотган деб топилади»;

33) **470-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда аниқланади»;

34) **470[1]-модда** чиқариб ташлансин;

35) **483-модда**:

**қирқ бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида, шунингдек давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари (электр, газ ва иссиқлик таъминотига, сув таъминоти ва канализацияга, сув хўжалигига, йўл-транспорт инфратузилмасига, алоқа ва телекоммуникацияларга, агрологистикага, санитария жиҳатдан тозалашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришга доир лойиҳалар) учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари мустасно) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2028 йил 1 январга қадар озод қилинади. Бунда мазкур имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам қўлланилади»;

қуйидаги мазмундаги **эллик олтинчи – олтмиш саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Нашриёт-матбаа фаолиятидан олинган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган солиқ тўловчилар мазкур фаолият тури бўйича фойда солиғини тўлашдан (бундан фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно) 2025 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда, камбағал оила аъзоларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари камбағал оила аъзолари бўлган ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича ижтимоий солиқни 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар:

касбга ўргатиш учун мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчиларини (ўттиз ёшдан ошмаган) ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари уларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчилари касб ўрганиш жараёнида тадбиркорлик субъектларидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Магистраль автомобиль йўллари бўйида кўчма савдо объектларини ташкил этган ёшлар (ўттиз ёшдан ошмаган шахслар) фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан эътиборан дастлабки олти ой давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича солиқларни тўлашдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар (бундан Ўзбекистон Республикаси билан икки ёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузган давлатларнинг солиқ резидентлари мустасно) экспорт хизматлари ҳажми календарь йил давомида 10 миллион АҚШ долларидан ошган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларни кўрсатишдан олган (шу жумладан роялти тўланадиган) даромадлари қисмида фойда солиғини тўлашдан 2025 йил 1 февралдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Жами даромади таркибида экспорт ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари таъсисчиларининг (иштирокчиларининг) – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларига нисбатан 2025 йил 1 февралдан 2040 йил 1 январга қадар бўлган даврда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари барча турдаги солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи мустасно) тўлашдан 2028 йил 1 январдан 2040 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Ушбу модданинг олтмиш иккинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

календарь йил давомида жами даромади таркибида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари томонидан амалга оширилиши учун рухсат этилган фаолият турлари бўйича экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларга;

ўн саккиз ёшдан ошган битирувчиларининг 50 фоизи календарь йил давомида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари бўлган экспортчи корхоналарга ишга жойлашган IT-таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга.

Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Ушбу модданинг олтмиш тўртинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар натижасида бўшайдиган маблағлардан нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини замонавий ўқув қўлланмалари билан жиҳозлаш, зарур товарлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул таълим хизматларини кўрсатиш учун мақсадли тарзда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини жиҳозлаш ҳамда уларнинг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, анжомлар ва моддий-техника ресурслари қўшилган қиймат солиғидан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Чет эл ўқитувчилари ва мутахассисларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича ижтимоий солиқни тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 3-моддаси 4-бандининг қоидалари 2023 йил 1 декабрдан эътиборан ушбу Қонун кучга киргунига қадар бўлган даврдаги экспорт операцияларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 3-моддаси 21-бандининг олтинчи – тўққизинчи хатбошилари қоидалари 2023 йил 1 январдан кейин фойдаланишга топширилган янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу Қонун 3-моддаси 2-бандининг иккинчи хатбошиси 2025 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 5, 6, 16, 33 ва 34-бандлари 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 3-моддаси 26-бандининг тўртинчи, бешинчи ва ўн биринчи хатбошилари қоидалари 2024 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 3-моддаси 35-бандининг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари қоидалари 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 3-моддаси 35-бандининг ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилари 2025 йил 1 февралдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 3-моддаси 35-бандининг ўн учинчи – ўн олтинчи хатбошилари 2028 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 24 декабрь
№ ЎРҚ—1014

# АМАЛИЙ ИШ ВА НАТИЖАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ



1 Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва тегишли Фармони билан қабул қилинган "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳолини замонавий касбларга ўқитиш, юқори даромадли барқарор иш билан таъминлаш, меҳнат учун муносиб ҳақ тўлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиққани эътироф этилди.

Мазкур Фармоннинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг "Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, Давлат меҳнат инспекцияси ваколатлари кенгайтирилди.

Эндиликда меҳнат инспекторлари меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан текширувларни ҳеч бир тўсиқларсиз ўтказиш ваколатига эга бўлди. Зеро, ўз ўрнида ушбу ваколатлардан самарали фойдаланиш корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилишини камайтиришга хизмат қилади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ратификация қилиш давом эттирилди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 5 та конвенцияси ратификация қилинди. Одам савдосига оид жиноятлар учун жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва одам савдосига оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Соҳада янги лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг позициясини янада мустаҳкамлаш мақсадида миллий комиссия томонидан тасдиқланган "йўл хариталари" ижросини таъминлаш борасида қатор натижаларга эришилгани таъкидланди.

Мажлисда ижобий натижалар билан бирга соҳадаги камчилик ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларини кенг татбиқ этиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш бўйича белгиланган вазифалар ўз вақтида, сифатли бажарилиши зарур эканига урғу берилди.

Ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлиллар, илғор хорижий ва халқаро тажриба асосида 2025 йил учун чораларни белгилаш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури доирасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таҳлил қилган ҳолда 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Азиз НОРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

1 Мазкур қонуннинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Туризм қўмитасининг мазкур қонун ижросини самарали ташкил этиш бўйича ахборотлари эшитилди. Хусусан, коррупциявий ҳолатлар ички назорат тизимлари фаолиятини етарли даражада амалга оширмаётгани ва бунинг натижасида қонун бузилишига шароит яратиб берилаётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан қонунчиликка зид бўлган ҳолатлар ҳудуддаги ҳар бир кенгаш аъзосидан ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тезкорлик билан аниқлаш ва уларга чек қўйиш, шунингдек, оқибатларни бартараф қилиш юзасидан самарали фаолият олиб бориш зарурлигини талаб этиши таъкидланди.

Мажлис якунида коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

Унда вазирлик ва идоралар зиммасига коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан комплекс чоралар кўришга қаратилган тегишли кўрсатмалар берилди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Таржима таҳририяти етакчи таржимони Фатхиддин Самаритдиновга онаси
**ЎЛМАСХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Аҳоли манфаатлари кафолати ва мустаҳкам ҳуқуқий асос



1 Лойиҳанинг қабул қилиниши жиноятлар бўйича терговни олиб бориш ва бюджет қонунчилиги соҳасида давлат органларининг ваколатларини қонун ҳужжати билан мустаҳкамлаш, қонун нормалари аниқ ва бир хилда қўлланилишига ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар

Мажлисда заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан айрим қонун ҳужжатларига заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг қимматбаҳо металларга бўлган талабини қондириш, уларнинг ривожи учун қулай бизнес муҳитини яратиш ва қонунчиликда мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларни либераллаштиришга қаратилган қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, 2027 йил 1 сентябрга қадар "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни мол-мулк ва ер солиғидан озод этиш белгиланяпти.

Шунингдек, аффинаж корхоналарига (таркибида қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар бўлган хомашё билан ишлаш фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи корхоналар) қимматбаҳо металларни заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар учун қулай шакл ва миқдорларга келтирган ҳолда сотиш ҳамда қимматбаҳо металлардан сувенир тангалар тайёрлаш ва реализация қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам, ўз навбатида, ўзлари ясаган заргарлик буюмларининг хомаки маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчиларга реализация қилиш ҳуқуқи бериляпти. Қолаверса, юридик ва жисмоний шахслардан қимматбаҳо металларни ва заргарлик буюмларини сотиб олиш фаолияти ваколатли органни хабардор этиш тартибида амалга оширилиши белгиланяпти. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан хорижда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни божхона тўловлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотувга қўйиш ҳамда чакана савдода реализация қилиш тақиқланмоқда.

Мунозараларда қонун лойиҳаси бўйича аниқлаштирувчи саволларга масъуллар томонидан жавоблар қайтарилди. Лойиҳага айрим таҳририй тузатишлар киритилди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжат юртимизда заргарлик саноатини ривожлантириш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Оммавий тартибсизликларни молиялаштирганлик жавобгарликка сабаб бўлади

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, Жиноят кодексининг 244-моддаси учинчи қисм билан тўлдирилиб, унда оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтганлик учун алоҳида жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Жиноят кодекси 244-моддасининг тўртинчи қисмида оммавий тартибсизликларни молиялаштирганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик кўзда тутиляпти. Бундан ташқари, ушбу модда янги бешинчи қисм билан тўлдирилиб, унда ўқувдан ўтган шахс ўз хоҳиши билан ўқувдан ўтганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этган тақдирда, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди ва қонун ташаббускорлари томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

Муҳокамада ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, жиноятлар профилактикасига ҳуқуқий асос бўлиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Жарима миқдори камайтирилмоқда

"Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг $11^1$-моддасига активларни репатриация қилиш талабларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Таъкидланганидек, ташқи савдо операциялари бўйича активлар белгиланган муддатларда репатриация қилинмагани учун қўлланиладиган уч босқичли жами 50 фоизли жарима қўллаш тартиби тадбиркорлик субъектларига қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, жазо қўллаш тизими ўзаро мувофиқлаштирилмагани ҳамда кўп босқичдан иборатлиги тадбиркорлик субъектларининг ортиқча маблағ ва вақт йўқотишига сабаб бўляпти.

Муҳокамада депутатлар амалдаги тартибни бекор қилиб, унинг ўрнига қайтмаган активларнинг 20 фоизи миқдорида бир марталик молиявий жаримани қўллаш тартиби жорий этилаётганини маъқуллади. Тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминламаганлик учун жарималар қўлланилмаслиги бўйича ҳуқуқий нормалар белгиланаётгани ижобий баҳоланди. Хусусан, репатриация қилинмаган активлар суммаси тегишли ташқи савдо шартномаси доирасида амалга оширилган операциялар суммасининг 10 фоизидан ошмаган тақдирда жарима қўлланилмаслиги белгиланмоқда. Бундан ташқари, асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмлар импортига оид шартномада уларни етказиб бериш муддати бир юз саксон кундан ортиқ этиб белгиланган бўлса, мазкур операция бўйича активларни репатриация қилиш муддати, деб шартномада кўрсатилган етказиб бериш муддати ҳисобланиши белгилангани тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қулайлик яратади.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш ва активларнинг белгиланган муддатларда репатриация қилинишини таъминлашга йўл очади.

Моддама-модда муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Тўлов интизоми таъминланади

Кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида янги тўлов механизмларини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос ва экспертлар иштирокида ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилишларида қизғин муҳокама қилиниб, унга киритилаётган ҳар бир норма депутатлар томонидан чуқур таҳлил этилди. Қонун лойиҳаси "Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун" тамойили асосида такомиллаштирилди.

Мазкур қонун лойиҳасида истеъмолчига чиқинди хизматлари учун тўловлардан қарздорлик юзасидан қисқа хабар (SMS) орқали хабардор қилингандан кейин беш кунлик муддат берилиши белгиланмоқда. Шундан сўнг ҳам қарздорлик бартараф этилмаса, электр энергия учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклашга қаратилган ҳуқуқий нормалар татбиқ этилади.

Лойиҳада истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилиш кафолатлари тўла мустаҳкамланиб, маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга ихтисослаштирилган ташкилотлар тўловларнинг ҳаққоний ва тўғри ҳисобланиши учун жавобгар бўлиши, мазкур талаблар бузилган ҳолларда истеъмолчига етказилган зарар қопланиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклаш қарздорлик бартараф этилган тақдирда автоматик равишда бекор қилиниши ўз ифодасини топмоқда.

Мунозараларда қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, депутат Азамат Пардаев қонун лойиҳаси юзасидан ўз муносабатини билдириб, унда назарда тутилаётган беш кунлик муддат қайси мезонлар асосида белгиланаётгани билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари бу юзасидан атрофлича жавоб қайтариб, ушбу ҳужжат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун тўлов механизмларини такомиллаштиришга, бундай хизматлар кўрсатиш сифатини оширишга, экология ва атроф-муҳитни сақлашга хизмат қилишини қайд этди.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Маҳкумларга яқинлари билан видеоучрашувлар қилиш имкони берилади

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар учун масофали видеоучрашувлар ўтказиш имкониятини яратишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят-ижроия кодексининг тегишли моддаларига Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги барча жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга масофадан видеоучрашув ҳуқуқини бериш орқали ўз яқинлари билан онлайн учрашиш имкониятини яратишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутат Сайдулла Азимов лойиҳа бўйича батафсил маълумот берди.

Қайд этилганидек, лойиҳада маҳкумларнинг масофали видеоучрашув ҳуқуқини амалга ошириш сони, шартлари ва тартиби, қўшимча видеоучрашув имкониятлари тўлиқ ўз аксини топмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси маҳкумларнинг оила аъзолари билан мулоқот қилиш имконини кенгайтиришга, фуқаролар сарсонгарчилигининг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кучайтирилади

Мажлисда тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини "Инсон қадри учун" тамойили асосида янги босқичга кўтариш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига ишончини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — тергов судьялари лавозимини жорий этиш ва улар томонидан жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар берилди. Жумладан, депутат Козим Тожиев қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда "ҳудудий ҳарбий судлар", деган тушунча чиқариб ташлангани, яъни санкция бериш ваколати ҳудудий ҳарбий судлардан тергов судьяларига олиб берилаётганига тўхталиб, бунга қонун ташаббускорларининг муносабати билан қизиқди. Шунингдек, қонун лойиҳасида масъул қўмита ишчи гуруҳи томонидан таклиф этилган $121^3$-модда, яъни кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш шартлари юзасидан киритилган тўлдиришлар бўйича ҳам изоҳлар сўралди.

Қонун ташаббускорлари бу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, лойиҳани такомиллаштиришда қўмита томонидан муайян ишлар қилинганини эътироф этди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог» фахрий унвони таъсис этилади

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўналишида мукаммал тизим шаклланди. Ўтган давр мобайнида соҳада 30 дан ортиқ қонунлар, 300 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси изчил давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, республика миқёсида 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида экология, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар тузилган. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 100 дан ортиқ экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда жамоатчилик иштироки фаоллашди. Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизими йўлга қўйилди.

Эътиборли жиҳати, юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили", деб эълон қилинди.

Депутатларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларида фидокорона меҳнат қилаётган соҳа фидойилари ва барча фаолларнинг атроф-муҳитни асраш борасидаги фаолиятини рағбатлантиришга, тармоқнинг нуфузини оширишга ҳисса қўшади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Қийноққа солиш ҳолатларининг олди олинади

Жиноят ишини юритиш чоғида шахсни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилиниши билан инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатлари янада мустаҳкамланди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонунга тегишли қўшимчалар киритиш орқали, шахсни тергов ҳибсхонасига жойлаштиришдан олдин уни тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби белгиланмоқда. Тиббий кўрик давомида шахснинг танасида жароҳат ва шикастланишлар аниқланган тақдирда зудлик билан прокурорга хабар берилиши тартиби ўрнатиляпти.

Қонун лойиҳаси жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш билан боғлиқ қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқий муҳофазаси янада кенгайтирилади

Мажлисда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Оила кодексининг 41-моддасига оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган эр ёки хотиннинг талабига кўра суд томонидан ишни кўришда ярашиш учун муҳлат тайинланмасдан қарор чиқарилиши кўзда тутилган норма таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Уй-жой кодексига суд тураржойга мажбурий тартибда киритиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда, қарздор (мулк эгаси бўлган эр ёки хотин)нинг ташаббусига асосан ушбу тураржойни муносиб шароитга эга бўлган бошқа тураржойга алмаштириши ёки тарафларнинг келишувига асосан ижарага олинган тураржой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини қарздорга юклаш бўйича норма киритиляпти.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси бўйича айрим мулоҳазали масалалар кўтарилди, мунозарали саволлар ўртага ташланди. Хусусан, депутат Дилноза Азизова қонун лойиҳасининг долзарблигини таъкидлаб, оилавий зўравонлик бўйича динамика юритилганми, умуман, бу борадаги рақамлар камайяптими ёки аксинча кўпайганми деган саволларни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорлари томонидан бу бўйича аниқ маълумотлар келтириб ўтилди.

Қонун лойиҳаси оилавий (маиший) зўравонлик жабрланувчиларининг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, оилавий муносабатлар иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини, жумладан, хотин-қизларга яшаш учун қулай шароит яратиш ҳамда оила ва хотин-қизлар бошқаруви тизимини такомиллаштиришга асос яратади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Тадбиркорлар бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча маротаба жавобгарликка тортилмайди

Депутатлар тадбиркорлик субъектлари айнан бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча маротаба жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилашда инсонпарварлик ва адолат принципларига таянилмоқда. Лекин айрим ҳолларда ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарар миқдорига мутаносиб жавобгарлик чораси белгиланмагани тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий аҳволи ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жавобгарлик чоралари, жумладан, молиявий санкциялар ва маъмурий жарималар қўллашнинг тадбиркорлик субъектлари учун салбий оқибатлар келтириб чиқармаслигини кўзда тутишни талаб этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига шахснинг содир этган айнан бир ҳуқуқбузарлик учун бир маротаба жавобгарликка тортилишини таъминлаш ва солиқ маъмуриятчилигининг янада такомиллаштирилишига қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиляпти.

Депутатлар томонидан солиқ қонунчилигига киритилаётган бу каби ўзгартиришлар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилиши алоҳида эътироф этилди.

Халқ вакилларининг фикрига кўра қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни либераллаштириш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектлари олдидаги мажбуриятларни камайтириш, айланма маблағларини эса бизнесни ривожлантиришга йўналтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Таваккалчиликка асосланган ўйинлар тартибга солинади

Депутатлар Ҳукумат томонидан киритилган капитал ҳамда суғурта бозорларини, электрон тижоратни, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни ўзида акс эттирган қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Мазкур соҳада вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солингани натижасида уларнинг ҳуқуқий таъсирчанлиги етарли даражада эмаслиги алоҳида таъкидланди.

Кейинги йилларда рақамли технологиялар соҳасининг ривожланиши таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар ва букмекерлик фаолиятининг ҳам кенг тарқалишига замин яратмоқда. Таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар ўтказиш борасида ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг етарли даражада эмаслиги бундай ўйинларга ҳаддан ташқари қарам бўлган фуқаролар сонининг ортишига олиб келмоқда. Таваккалчиликка асосланган ўйин иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан эҳтимолий фирибгарлик ҳаракатларини, шунингдек, валютанинг мамлакатдан четга ноқонуний чиқиб кетишининг олдини олиш чораларини кўриш заруратга айланмоқда.

Қонун лойиҳасида корпоратив бошқарувни ривожлантириш, қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамда суғурта ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини бошқариш бўйича ваколатли орган белгиланиб, унинг функциялари аниқлаштириляпти.

Таваккалчиликка асосланган ўйинларни тартибга солиш мақсадида қонун лойиҳасида мазкур соҳани лицензия асосида амалга ошириш, таваккалчиликка асосланган ўйин ташкилотчилари ва иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, ўйинларда иштирок этиши тақиқланган фуқаролар тоифаларини белгилаш, ўйинларга қарам бўлган шахслар рўйхатини юритиш, букмекерлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари каби қоидалар кўзда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва биринчи ўқишда қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Норкулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.10 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6